



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 12 январь, № 8 (5428)

Пайшанба

ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

туйғулари истиқлол фарзандлари қалбидан мустаҳкам ўрин олди

Ўзбекистон Республикаси Қурулган Кучларининг 20 йиллиги олдидан

Ватанимизнинг ёруғ келажагини белгилаш, унинг куч-қудратини таъминлашда таълим-тарбия соҳаси муҳим ўрин тутди. Чунки ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқнинг эртанги кунни бугун вояга етказган авлод тақдирини билан узвий боғлиқдир. Улкан орзу-ҳавас ила ўғил-қиз ўстираётган ота-оналар ҳам бу масъулиятни чуқур англаб, ҳар бир қилаётган ишим эртага ўрнини босадиган фарзандим учун, унинг бахту саодати учун, деб билишади. Уларга бутун борлигини бериб, ҳеч қандай кам бўлмайдиган ўлғайиши учун жон куйдиришади. Давлатимиз эса ана шу эзгу ниятлар рўйи йўлида катта куч ва имкониятларни сафарбар этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳузуридаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат ҳам ёшларни соғлом, ватанпарвар, юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш ишига муносиб хисса қўшиб келаётган ўқув муассасаларидан биридир. Бу ерда, асосан, хизмат вазифасини ўташ чоғида халқ бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ва ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари тахсил олади. — Бирор хондонда ўғил фарзанд дунёга келса, ҳамма



бирдек қувониб, гурур билан "Бу оиламизнинг устун", дейишади. Вақт ўтиб, ана шу фарзанд улғайгач, бутун бир мамлакатнинг таянчига, устунига айланади, — дейди ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат директори Ансаб Сайдалимов. — Шу боис таълим-тарбия ма-

саласи доимо жиддий эътибор ва масъулиятни талаб қилади-кан вазирадир. Илм масканимиздаги дарс жараёнлари оддий мактаб дастурларидан фарқланади. Бу ерда миллий истиқлол госяни ва маънавият асослари, ҳарбий санъат таълими, информатика, бар-

камол авлод асослари ҳамда яна бир қатор фанлар, шунингдек, инглиз, немис, испан тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади. Ёш курсантлар Ўзбекистон Республикаси Қурулган Кучларининг "Саф", "Ички тартиб" низомларига амал қиладилар. А. Сайдалимовнинг қайд эти-

шича, махсус мактаб-интернатга ҳар йили 4-синфинг тамомланган ўқувчилардан 50 нафари синов асосида қабул қилинади. Бугунги кунда бу ерда жами 250 нафар ёш курсант тахсил олмоқда. Замонавий жиҳозланган ўқув

(Давоми 2-бетда).

«Les milieux des Empires» электрон нашрининг (Франция) навбатдаги сонларидан бирида Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ўтган йил ноябрь ойидаги Ўзбекистонга миссияси якунларига бағишланган мақола ана шундай сарлавҳа остида эълон қилинди. У мазкур нашр бош муҳаррири Сильви д'Изар қаламига мансуб.

«Ўзбекистон. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги соғлом иқтисодиёт»

Европа иқтисодиёти ўсишининг суръати пасаяётган ҳамда евро пул бирлиги ҳудудидан инқирознинг чуқурлашиши башорат қилинаётган бир пайтда, сўнгги беш йиллик якунларига қўра, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръати йилга ўртача 8,5 фоизни ташкил қилгани мақолада алоҳида қайд этилади. «ХВЖ маълумотларига қараганда, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатининг ўртача кўрсаткичи бутун Ўрта Осиё ва Қозғистондаги кўрсаткичдан юқоридир. Бундай аъло натижа қатор йиллар давомида кузатилаётган бюджет профицити, расмий заҳираларнинг юқори даражаси, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ҳамда халқаро молия бозорларида эҳтиёткорона фаолият олиб бориш билан бевосита боғлиқ. Бу омиларнинг барчаси мамлакатни глобал инқирознинг тўғридан-тўғри оқибатларидан химоя қилди», деб ёздаи муаллиф.

Дунё нигоҳи

Мақолада хабар берилганидек, ХВЖ тақдим этган баҳоларга мувофиқ, 2011 йилда республикада ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди ва сўнгги ойларидаги пул кадрисизланишининг паст даражасига қарамай, бу кўрсаткич сақланиб қолди. Хизмат кўрсатиши, транспорт ва алоқа, ташқи савдо ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида юқори

ўсиш кузатилди. 2011 йилдаги сарможий фаолият саноатлаштириш давлат дастури доирасида амалга оширилгани асосида тўғридан-тўғри сарможаларнинг юксак ҳажми билан мустаҳкамланди, кичик корхоналар ва хусусий секторни ривожлантириш амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Банк кредитларидан фойдаланиши, бошқона сертификатлари тартиблари соддалаштирилгани билан бизнеснинг янги тузилган корхоналарида солиқ текширувлари ўтказилишининг мuddати узайтирилди.

«Les milieux des Empires»нинг маълум қилишича, «Ўзбекистон ҳукумати ўсиб келаётган ёш аҳоли учун иш ўринларини ташкил қилиш ва ижтимоий химояни янада мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошираётгани ХВЖ миссияси томонидан қизғин қутиб олинди. Республикада иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, шунингдек, хусусий сектор аҳамиятини кенгайтириш бўйича қатор кенг қўламли дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, банклар капиталлашувининг сезиларли даражада кенгайтиши банк секторидagi барқарорликка хисса қўшгани баробарида, давлат тараққиёт дастурларини ҳаётга татбиқ этишига ҳам кўмаклашмоқда».

(Давоми 2-бетда).

12 январь — «Ватанга қасамёд» ҳайкали очилган кун

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли қафолати бўлмиш миллий армияни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳаётга татбиқ этилган қатор чора-тадбирлар туфайли Қурулган Кучларимизнинг жангдор куч ва имкониятлари юксалиб, армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори янада юқори даражага кўтарилди. Шу боис ҳам бугун қамолга етиб, куч-қувватга тўлган, жасур ва мард ўғлонларимиз Ватан олдидаги муқаддас бурчларини чин дилдан адо этишига интилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мамлакат бўйлаб

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Бекобод шаҳридаги «Нанобетон Макс прогресс» масъулияти чекланган жамиятида қурилишда кенг қўлланиладиган пеноблоklar тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бекобод пеноблоklари

Қўшимча 12 та иш ўрни яратилган корхонада мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 106,7 миллион сўм сарфланди. Жамоа жорий йилда қурилиш ташкилотларига 7 минг донагача сифатли маҳсулот етказиб беришни режалаштирмоқда.

Эътиборлиси, 2011 йил мобайнида шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 20 фоиздан зиёдроққа кўпайди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги лойиҳа самараси

НАВОЙ. Карманалик тадбиркор Ойбек Ражабов саъй-ҳаракати билан Маликратоб кўрғонда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологик линия ишга туширилди.

200 миллион сўмликдан ортиқ маблағ эвазига корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда кунига бир тоннага яқин маҳсулот тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида туманда биргина нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган 6 та корхона фойдаланишга топширилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Харидоригр маҳсулотлар

СУРХОНДАРЁ. Ангор туманидаги «Ангор бунёдкорлари» хусусий корхонасида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик техник ва технологик янгиликлар амалга оширилди.

Натижада бу ерда тайёрланаётган эшик ва дераза ромларининг сифати ҳамда дизайни тубдан яхшиланди. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб эса ошиб бормоқда. Айни пайтда 10 кишилик жамоада ойига 160 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётир.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Экоҳаракат ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳининг 2011 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди.

Экологик маданиятни юксалтириш

мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлашнинг муҳим омилдир

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алихонов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимиздаги энг ёш жамоат ташкилотларидан бири — Экоҳаракатнинг ўтган йилдаги фао-

лияти жуда самарали бўлди. Дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокини кучайтириш, уни оммавий ҳаракатга айлантириш борасида изчил чора-тадбирлар қўрилгани бунда муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Биохилмаҳиллик муҳофазаси — барчамизнинг бурчимиз

ТОШКЕНТ. Табиатнинг ноёб флора ва фаунасини муҳофазалаш, бундай ҳудудларни кенгайтириш мақсадида сайёрамизда 11 январь — Қўриқчалар ва миллий боғлар кунини сифатида нишонланади.

Шу муносабат билан кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, халқаро ташкилотлар мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Маълумки, юртимиз табиати бой ва хилма-хил. Масалан, 68 минг 717,8 гектардан иборат Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳамда «Жайрон» экомаркази, 8 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий табиат боғи, 9 та буюртма-

хонада жайрон, қулон, Прежевальский отлари, Бўхоро тоғ кўйи каби жониворлар билан бирга, ўсимликларнинг минглаб ноёб турлари парваришланмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида табиатни асраш, унинг бойликлари билан оқилонга фойдаланиш, шунингдек, қўриқхоналар фаолиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Пешку тумани мудофаа ишлари бўлими чакриув пунктнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотда мuddатли ҳарбий хизматга қақирлувчилар ҳамда ота-оналар учун барча шароит яратилган.

● Тошлоқ туманидаги Ахшак қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 33 та тураржойга хонадон соҳиблари кўчиб ўтди. Коммуникация тармоқларига тўлиқ уланган мазкур мавзеда бир вақтнинг ўзида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам иш бошлади.

● Узун туманидаги «Нарғиза» хусусий корхонасида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 75 миллион сўм эвазига рўйба қурилган ушбу лойиҳа туфайли ҳозир бу ерда ойига 15 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

● «Бўхоропахтасаноат» очик акциядорлик жамияти тасарруфидagi «Пахтасаноатпарранда» масъулияти чекланган жамиятида парваришланаётган товуклар сонини 200 мингтага етказилди. Жамиятда 2011 йилда 50 тоннадан ортиқ парhez гўшт ва 10 миллион дондан зиёд тухум етиштиришга муваффақ бўлинди.

Аҳолининг реал даромадлари ошмоқда

2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши мамлакатимиз аҳолиси реал даромадларини

23,1 фоизга ошириш имконини берди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация қилиш ишлари жадаллаштирилиб, унинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солингани, етакчи соҳаларда барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб қолинаётгани ана шундай ютуқларга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

БИР
РАҚАМ
ШАРХИ



Сурур

Кўпчилик билан бамаслаҳат бажарилган ишнинг натижаси ҳам кўпга татийди. Шу боис халқимиз ҳамийша кенгашли тўй тарқамас, деган ҳаётий ҳикматга амал қилиб, етти ўлчаб бир кешига одатланган. Янги йил оstonаси — ана шундай ҳаётий режаларни пишитиш палласи. Бугун мамлакатимиз аҳли Мустаҳкам оила йилида эришишни ният қилган юксак марралари, орзу-мақсадлари сари дадил одим ташламоқда.

САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, ЭЗГУ ОРЗУЛАР

Сарсенбой СЕЙТНАЗАРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тахтакўпир туманидаги "Тайимбет" фермер хўжалиги бошлиғи:
— Президентимизнинг Янги йил табригида фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги мавсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, галла ва пахтадан юксак хирмон бунёд этгани, сабзавот, полиз, боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришда муваффақиятга эришиб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани таъкидлаб ўтилди. Ана шу эътирофдан сўнг фермерликни бошлаган дамларим, меҳнат ва қийинчиликлардан чўнмай, хўжалигимизни оёққа тургайиб борганимиз ёдимга тушди. Табиийки, бу борадаги камтарона меҳнатим юксак эъзоз ва рағбатга лойиқ, деб топилди. Хусусан, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида олий мукофот — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Конституцияимизнинг 19 йиллиги арафасида ана шу мукофотни Юртбошимиздан қабул қилиб олган ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бўлди. Келгусида давлатимиз томонидан билдирилган юксак ишонччи оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Анвар ИНОМБОБОВ, Ўстонлик туманидаги "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги "Хумсон" бўлинмаси бош ўрмонбеги:

— 2011 йил биз, ўрмончилар фаолиятида ҳам муносиб из қолдирди. Юртимизда яшил худудларни кўпайтиришда салмоқли натижаларга эришдик. Айниқса, "Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат — менинг тўхтам" шиори иш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди. Шундан келиб чиқиб, 150 гектар майдонга 65 минг дондан зиёд кўчат экиб, ўрмон барпо этдик. Вилоятимиздаги таби

Ҳасанбой РУСТАМОВ, бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони:

— Давлатимиз раҳбарининг Янги йил табригида ўтган йили мамлакатимизда кўлга киритилган муваффақиятлар қайд этилар экан, қалбим гурурга тўлди. 2011 йилда вилоятимиз ҳаётида ҳам қувончли воқеалар кўп бўлди. Биргина спорт соҳасини оласак, Хонобод ҳамда Қорасув шаҳарларида кўркам сузиш ҳавзалари, Андижон шаҳрида бадиий гимнастика зали барпо қилинди, Андижон шаҳридаги "Баркамол авлод", "Наврўз" стадионлари таъмирдан чиқарилди. Бу сингари бекиёс гамхўрликлар тўғрисида спортчиларимиз юқори натижаларга эришдилар. Чунончи, мен Жиззаҳда бўлиб ўтган бокс бўйича мамлакат биринчилигида қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Шунингдек, андижонлик Шаҳриёр Исоқов, Қобил Бобоқонов, Хуршид Норматов, Отабек Иброҳимов, Ойбек Мамазулонов сингари тенгдошларим кўлга киритган олтин медаллар ҳамда битта қумуш ва етти та бронза медали эвазига умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритдик.

Сайёра СУЛТОНОВА, Поп тиббиёт коллежи ўқитувчиси, "Шухрат" медалли соҳиб:

— Поёнига етган йилда 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз Фармони билан "Шухрат" медалига сазовор бўлдим. Бу мамлакатимизда инсон шани улугланиб, унинг фидойи меҳнати қадрланаётгани самараси, деб биланман. Яна бир эсда қоладиган воқеа — "Йил аёли — 2011" кўрик-танловининг вилоят босқичида олий ўринни эгаллаб, ушбу тадбирнинг якуловчи босқичида муваффақиятга қатнашганим бўлди. Яқунланган йил ана шундай хушхабар ва қувончли воқеалар билан дилимизни шод айлади. Уни кўнгил тўлган ҳолда кузатар эканмиз, Янги йил бундан ҳам яхши келиши, оилаларимиз янада мустаҳкам, халқимизга доимий тинчлик, касб-коримизга барака, ишимизга ривож беришини ният қилдик.

ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

тўйгулари истиқлол фарзандлари қалбидан мустаҳкам ўрин олди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хоналари, компьютер, хорижий тилларни ўрганиш учун мўлжалланган лингафон хоналари, шинам ошхона, ётоқхона, иккита спорт зали улар ихтиёрида. Курсантлар мавсумий ҳамда байрам кунларига мўлжалланган кийим-кечак билан таъминланган. Ёшларга катта тажрибага

да. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб қайтганлари ҳам бор.

— Ҳарбийлар мард, жасур, соғлом ва ақлли бўлишлари зарур, — дейди махсус мактаб-интернат курсанти Нурмуҳаммад Саъдуллаев. — Устозларимиз кўмағида ана шу хислатларимизни шакллантириб боришга интиляпмиз. Ҳаммамизнинг ниятимиз — келгусида ўзимиз севган касбнинг етук эгаси бўлиб, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишдир.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор самаралари бу ерда ҳам кўзга аққол ташланади. Ёш курсантлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг қаратэ, дзюдо, футбол, баскетбол, кураш, шахмат-шашка каби турлари билан шуғулланишади. Улар Тошкент шаҳри, республика миқёсидаги кўпала мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритишмоқда. Илм маскани фаолияти билан яқиндан танишиб, бу ерда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодлар тарбияланаётганига яна бир қарра амин бўлдик.

Шоқат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОВ, олган суратлар.

«Ўзбекистон. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги соғлом иқтисодиёт»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бой иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам маъзур мақоладан жой олган. "Мамлакатда ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўз стратегияси бўйича иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланишига биринчи даражадаги эътибор қаратилмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жаҳбаси пахтадан ташқари, турли дон экин-

лари, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни ҳам қамраб олгандир", деб ёзилди нашрда. Сильва д'Изарнинг қайд этишича, саноат ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини таъминлаш имконини бермоқда. Нефть ва газ таъминоти ҳамда нефть-кимё саноати, шунингдек, қурилиш жаҳбаси миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ҳорж сармояси учун жозибадордир ва у истиқболда табиий бойликлардан фойдаланишни янада ривожлантириш ишига кўмаклашади. Мақола якунида "аҳолиснинг

сони жиҳатидан Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик мамлакат ҳисобланадиган Ўзбекистон ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳали кўп маротаба ҳайратлантиради", деб ёзади муаллиф.

«Жаҳон» АА. Париж

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлашнинг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада республикамизнинг барча худудларида 500 дан ортик тадбирлар ташкил этилиб, уларда 800 мингдан ортик аҳоли қамраб олинди. Айниқса, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, соҳада қонунчиликни ривожлантиришда бу ташкилотнинг ташаббускорлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Дарҳақиқат, парламент кўйи палатасига Экоҳаракатнинг депутатлари "Соғлом муҳит — инсон саломатлиги" гоёси асосида атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишида қонун ижодкорлиги устувор вазиға сифатида жиддий эътибор қаратишмоқда. Пировардида 2011 йилда уларнинг 12 та қонун ҳужжатиға қўшимча ва ўзгартиш киритиш бўйича таклифлари биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, қонунчилик ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ва "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги қонунлар ҳаётга татбиқ этилди.

Шу билан бирға, Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-

Экоҳаракат қошида "Ишонч телефони" ташкил қилингани эса унинг атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши керак, деган дастурий вазифаси ижросини таъминлашда қўл келаяпти. Утган йили ушбу тармоққа йўл қўйилган қонунбузарликлар, санитария меъёрларининг бузилаётганилиги ва бошқа масалалар юзасидан 300 га яқин тезкор ҳабарлар келиб тушганилиги бунга мисол бўла олади. Натижада уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Экоҳаракатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айни пайтда 126 та экологик ва 140 та тиббиёт соҳасидаги ташкилотлар билан доимий алоқалар ўрнатилгани, ушбу муассасалар мутахассислари маъзур жамоат ташкилотининг фаоллари сафидан жой олгани ана шундан далолат беради.

Матбуот анжуманида 2012 йилда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи олдида турган устувор вазифалар ҳақида журналистларға атрофлича маълумот берилди. Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, соҳада халқаро ҳамкорлиқни, шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятини қучайтириш ана шулар сирасига киради.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ИФОДАСИ

"Шахсан мен ушбу бадиий мажмуани ҳаёлимдан ўтказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимға, эл-юртимға қасамёд қилаётгандек ҳис қилдим. Уйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртаға бу ерга зиёратға келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай ҳаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қилади" деган эди Юртбошимиз ҳайкалнинг очилишиға бағишланган маросимда.

Дарҳақиқат, ёш авлодни миллий гоё руҳида, фидойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган ушбу бетакорр мажмуа бугун халқимизнинг энг муқаддас масканларидан бириға айланган. "Ватанға қасамёд" ҳайкалида юртиға хизмат қилишни дилиға туккан фарзанд қиёфаси жуға моҳирона тасвирланган, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлиги билим юрти курсанти Шухрат Умрзоқов. — Унга боқиб, эл-юртимиз олдидаги бурчимиз ҳақида янада теранроқ тасавурға эға бўлаемиз. Мақсадим, билим юртини тамомлаб, Ватанимиз сарҳадларини асраб-авайлашға муносиб ҳисса қўшишдир. Шу орқали халқимиз, Президентимизға содиқлик Қасамёдини оқлаймиз.

Дунёқарашни кенг, жисмонан етук, ақлу заковатда ҳеч қимдан кам бўлмаган бугунги авлод вақилларининг бундай самимий фикри, нияти ҳар биримизға чексиз гурур бағишлайди, албатта. Узида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-маъмуни ифода этган бу улғувор монумент шу юрт тақдириға ўзини даҳлор деб билган ҳар бир инсонни Ватан тинчилиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида доимо фидойилик кўрсатишға, эзгу ишларға муносиб ҳисса қўшишға ундаб қолаверади.

Ш. ЗОКИРЖОНОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки биосфера резерватлари нафақат улар жойлашган худудларнинг гуллаб-яшнашини таъминлайди, балки жамият эҳтиёжларини қондиришға ҳам хизмат қилади.

Биохилмаҳиллик муҳофазаси — барчамизнинг бурчимиз

Республикамизда бу борадаги ишлар, асосан, 2004 йилда қабул қилинган "Муҳофазат этиладиган табиий худудлар тўғрисида"ги Қонун асосида тартибға солинади. Чунки ушбу Қонунда Биологик ранг-баранглик тўғрисида, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофазат қилиш тўғрисида, Халқаро аҳамиятга эға бўлган сув-ботқоқли худудлар тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган мажбуриятлар тўла қамраб олинган.

Шу билан бирға, ҳозирги кунда биохилмаҳилликни сақлаш ва муҳофазат этиладиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш мақсадида "Кўриқхоналар мажлиси муҳофазат этиладиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш мақсадида" "Ўзбекистон нефть ва газ тармоғиға биохилмаҳилликни сақлаш таъминоти" йўналишида халқаро лойиҳалар татибиқ этилгани ҳам эътиборға молиқдир.

Давра суҳбати иштирокчилари юртимизда маъзур йўналишларда амалға оширилаётган ишлар билан танишиб, табиат кўрки ҳисобланмиш ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлашда самарали усуллардан фойдаланиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Р. САИДОВ.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ҳам давом этмоқда.

Шарафли касб эгалари

Худуддаги офицерлар уйда сана муносабати билан бадий кўргазма ташкил этилди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари томонидан ишланган ижод намуналари — Ватан мавзудаги расмлар, портретлар, халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди.

Нукус шаҳрида жойлашган Бердақ номидаги миллий музей ва И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ҳам шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Яқинда бу ерга бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ташриф буюришди. Ўзро суҳбатларда миллий армиямизни шакллантириш йўлидаги ислохотлар, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар эътироф этилди. Шунингдек, меҳмонлар ноёб экспонатлар билан яқиндан танишишди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

ТАЪЛИМ, АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

Мамлакатимиз ёшларига ҳар қанча ҳавас қилсак, арзийди. Зеро, улар учун барча имконият яратиб берилган. Айниқса, замонавий касб-хунар коллежларида, академик лицейларда таълим-тарбия олиб, кичик мутахассисликларни эгаллаётган ёшларимизнинг оиласига ҳам, жамиятга ҳам нафи тегаётгани қувонардир.



Бизнинг Нукус ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежimiz бундан беш йил муқаддам "Мас-сагет" курилиш корхонасининг мо-хир курувчилари томонидан қарийб 1 миллиард сўм эвазига бунёд этилган эди. Замонавий, кўркам ва муҳташам коллежimizда бугунги кунда 533 нафар ўқувчи 54 нафар тажрибали устозлардан бухгалтерлик, банк иши, ҳўжалик-да ҳуқуқий фаолият, солиқ инспек-тори, молия вакили, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмир-лаш техниги йўналишлари бўйича сабоқ олишмоқда. Энг зарур ўқув куроллари билан тўла таъминлан-ган 12 та умумтаълим, 4 та махсус фан хонаси, физика, химия ва био-логия лабораториялари, инфор-матика ва лингафон хоналари, 16 та ўқув хонасида барча имконият яратилган. Жами 6345 та китоб фондига эга ахборот-ресурс мар-

кази ва муҳташам спорт зали ҳам ёшлар ихтиёрида.

Ўғил-қизларимиз ўз мутахассис-лиги бўйича Нукус шаҳар ФХДЁ бўлими, Хўжалик суди, банклар, шаҳар бандликка кўмаклашиш мар-кази, шаҳар солиқ инспекцияси ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш кор-хоналарида коллежда олган билим-ларини амалиёт билан уйғунлаш-тирган ҳолда кўникма ҳосил қилиш-моқда. Бундай имкониятлар нати-жасида ўқувчиларимиз ўқишда ва спортда бир қанча муваффақият-ларни қўлга киритдилар. Хусусан, коллежimiz жамоаси "Кувноқлар ва зукколар" ҳамда "Шунқорлар" кўрик-танловларининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади, "Сиз конунни биласизми?" каби тарихи биласизми?" каби танловларда ҳам фаол иштирок этишди. Ўқув-чилардан Б. Бўронбоев, А. Давлет-муратова иқтисодиёт фанидан

юқори балл тўплаб, мазкур фан олимпиадасининг мамлакатимиз босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмун-ли ўтказиш мақсадида ҳар хил спорт ўйинлари ташкил этилаётган-ни айти мундоо бўлмоқда. Бундай тадбирлар самараси ўлароқ, иқти-дорли ўқувчимиз Н. Бердахова дзю-до бўйича 46 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони, деган юсак номга сазовор бўлиб, ўтган йили Ўзбекистон давлат жисмоний тар-бия институтига тест синовлари-сиз ўқишга қабул қилинди.

Бундай муваффақиятларда, ал-батта, ўқитувчиларимизнинг муно-сиб улуши бор. Математика фани ўқитувчиси П. Қурбониязов ўзи-нинг ана шундай фидойи меҳнат-лари учун Ўзбекистон Республика-си Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими Марказининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Иқтисодиёт фани ўқитувчиси З. Шаниязованинг "Статистика" фани бўйича қўлланмаси, Ф. Дўсим-бетованинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун "Қимматбаҳо қоғозлар ва уларнинг ҳисоб-китоби" номли ўқув қўллан-маси нашр этилди.

2010 — 2011 ўқув йилида колле-жimizни 180 нафар ёш битириб чиқиб, диплом олди. Айти пайт-да улар ўзлари эгаллаган ихти-сосликлар бўйича илгач жойла-шишди, 24 нафар ўқувчимиз эса олий ўқув юртлари талабаси бўлиш бахтига эришди.

...Ёшларимизнинг завқу шавқ билан суҳбатлашаётганини кўрганда, уларнинг бахтиёр кулгисини эшит-ганда, Ўртбошимизнинг оқилоно сибсати асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли иш-ларга беихтиёр кўнгилдан миннат-дорлик туйғуси жўш уради.

Г. БЕГЖАНОВА, Нукус ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи директори.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Канаданинг Ғарбий Онтарио университе-ти олимлари мандарин таркибидagi нобилетин моддаси инсон қонидаги холестеринни сезиларли даражада камайтиришини аниқлашди.

Олимлар ҳулосаси

Ушбу мевани мунтазам истеъмол қилиб юриш юрак-қон томир касал-ликлари ҳамда қандли диабет хасталиги келиб чиқишининг олдини олади. Бундан ташқари, мандарин танани витаминлар билан озиқ-лантириб, овқат ҳазм бўлишини тезлаштира-кан.



Нью-Йоркдаги "NYMEX" биржасида ўтказилган савдолар чоғида "Light Sweet Crude Oil" маркали нефтнинг нархи 0,82 долларга арзонлашган ва унинг бир баррели 98,83 АҚШ долларига баҳоланган.

Зилзила ортидан цунами

Индонезиянинг Суматра оролидаги Банда Ачех шаҳрида 7,3 балли зилзила содир бўлди.



Табиий офат оқибатида цунами ҳам келиб чиққан. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчилик-лар ҳақида маълумот-лар йўқ.

Ушбу мамлакат сай-ёрамизнинг сейсмик фаол худудида жой-лашган. Шу боис ҳам бу ерда йилига қарийб етти мингта ер силкиниси кузати-лади.

Нефть нархида пасайиш

Лондондаги "ICE" биржасида эса "Brent Crude Oil" типидagi Шимолий денгиз "қора олтин"ининг бир баррели 0,63 АҚШ долларига пасайиб, 107,38 АҚШ долларидан харидорларга тақлиф этилган.

Экспертлар жорий йилда "Light Sweet Crude Oil" нефтининг бир баррели 110, "Brent" маркали углево-дордод хом ашёсининг бир баррели эса 115 АҚШ долларидан ошмаслигини билдирганлар.

Қирғоқдаги кўнгилсизлик

Антарктида қирғоқларида Жанубий Кореяга тегишли "Чон У" кемаси ёниб кетган.

"AFP" ахборот агентлиги-нинг маълум қилишича, ушбу кўнгилсизлик оқибати-да етти киши жараҳат олган, икки киши бедарак йўқолган. Қутқарув сигналдан хабар топиб, воқеа жойига етиб келган кема ундаги одамлар ҳаётини сақлаб қолган.

Ёнғин юз берган вақтда "Чон У" бортида қирқ нафарга яқин одам бўлган.

Фойдали ихтиро

Биласиз, эшик тутқичлари энг кўп инфекция тарқатувчи восита ҳисобланади.

Айниқса, улар тиббий муассасаларда ўта хавфлидир. Буюк Британия фу-қароси Мэтт Робертс одамларни бу муаммодан халос этувчи тутқич ярат-ди. Ёвни уни ушлашингиз билан тутқичдан махсус суюқлик ажралиб чиқади ва кафтингизга ёлсашиди. Шундан ундан қўлнингизни олиб бошқа кафтингиз-га ҳам суриб олисангиз кифоя. Сиз шу заҳоти бактерия хавфидан халос бўласиз.

Ушбу ихтиро Буюк Британиядаги иккита клиникада синовдан ўтказилиб, ижо-бий натижа қайд этилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

Под заказ

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т.
- максимальная высота подъема — 14,5 м.

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т.
- максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т.
- максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Товар сертифицирован

Теперь вся продукция и в лизинг

- максимальная грузоподъемность — 8 т.
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Истеъмолчилар мамнун

Урганчлик тадбиркор Маҳмуд Ёкубов ўзи раҳбарлик қилаётган "Меъморкурилиштранс" корхонасида хорижий илғор технологиялари ёрдамида металлдан томёқич, дераза, эшик, дарвоза ва турли хилдаги панжаралар тайёрлашни йўлга қўйди.

Ушбу лойиҳани амалга оши-риш учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Урганч шаҳрида ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик йилида юқоридаги каби 346 та кичик бизнес субъекти иш бошлади.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диа-метри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОСИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Алишер Аббосович АЗИЗХЎЖАЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент давлат юридик институти жамоаси 2-ҳуқуқ факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор Одина Зокирова га онаси САЛИМАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси меҳнат фахрийси Маҳкам РИХСИЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент педиатрия тиббий институти жамоаси Нукус филиали директори Арап Атаниязовага падари бузруквори Амин АТАНИЯЗОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Яхши кўшиқ ҳам ширин сўз каби жон озиғидир. У қалбга хуш ёқиб, руҳиятга қанот бағишлайди. Шу боис дилрабо тарона янграса ёхуд гўзал хонишни эшитсак, роҳатланамиз, кўнглимиз тоғдай юксалади. Куй-кўшиқнинг сеҳри, оҳанрабои бор, деганлари шундандир эҳтимол. Албатта, кўшиқнинг, мусиқанинг тури кўп. Лекин ватанпарварлик туйғуларини тараннум этувчи куй-кўшиқлар бу борада алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга.

ВАТАНИ ТАРАННУМ ЭТМОҚ БАХТИ

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол гоёсини шакллантириш ва уни ҳаётга табиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш жоизки, ушбу мақсадни амалга оширишда қаҳрамонлик-ватанпарварлик мавзудаги кўшиқлар ҳам муҳим восита ҳисобланади. Бу борада сўз юртар эканмиз, аввало, Ўзбекистон Давлат мадҳияси, онаюртни тараннум этувчи кўлаб кўшиқлар ижодкори, устоз Мутал Бурҳоновнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Бу танпарварлик ҳам ушумизда кўлаб бастакорлар устоз изидан бориб, ушбу йўналишда самарали ижод қилишмоқда. Жумладан, Б. Лутфуллаев, А. Назаров, П. Макаров, Ш. Дадажонов, Ф. Алимов, Х. Раҳимов, А. Икромов, Н. Норхўжаев сингари бастакорларимиз истеъдодли шоирларимиз билан ҳамкорликда ватанпарварлик мавзуда намунали асарлар яратиб, эътибор қозонишмоқда.

Кучларнинг ҳарбий дамли чоғулар оркестри ҳамда Бастакорлар уюшмаси ўртасида доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мустақиллик йилларида кўлаб истеъдодли хонанда ва созанда-лар етишиб чиқди. Улар шу мавзудаги куйлар тарғиботида катта эътибор қаратишмоқда. Бу ўринда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Марат Хақимов номини алоҳида тилга олиш ўринли бўлади. Негаки, хонанда ижодининг асосий қисмини юксак ва оламиз. Бу танпарварлик туйғуларини акс эттирувчи кўшиқлар ташкил қилади.

Бастакорлар уюшмаси ҳар йили ёшлар иштирокида энг яхши ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари ва дамли чоғулар учун ёзилган асарлар танловини ўтказиб келмоқда. Мақсад, ёш авлоди Ватани севишга, юртимизнинг миллий бойликларини асраб-авайлашга ундашир.

Айни пайтда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб аскар кўшиқлари, сафда айтилаётган кўшиқлар ва ҳарбий маршлар танловини яқунлади. Зеро, юртни тараннум этиш, ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғусини жўш урдириб биз, ижодкорлар учун ҳам бурч, ҳам қалб амри ва юрак тугъғидир.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси.



Қиш завқи.

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

Кўкон шахрида 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида миллий ва белбоғча мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам-

корлигида ташкил этилган мазкур чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 182 нафар спортчи ўзaro белбоғча мусобақачилигида қатнашди.

Мусобақа якунида белбоғчи кураш бўйича мезбонлар вакиллари

Одилжон Олимжонов, Шаҳбоз Хошимжонов, Бахтиёр Эргашев, Улугбек Худойберганов ҳамда қорақалпоғистонлик Эркин Қазақбоевга тенг келадигани топилмади. Миллий кураш мусобақаларида эса қўқонлик Бехзод

Кўрғазма
Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида «Ватанга хизмат — муқаддас бурч» деб номланган кўрғазма очилди.

Гўзал диёримиз манзаралари

У Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бадий кўрғазмалар дирекцияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўрғазмада таниқли мўйқалам усталари билан бир қаторда, ёш иқтидорли рассомлар, ҳарбий соҳада хизмат қилаётган хаваскор мусавирларнинг юртимиз табиати, гўзал манзаралари, тинч ва осойишта ҳаётимиз акс эттирилган бир қанча ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Ш. ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шоҳсупага йўл

Шокиров, Абдуҳаким Умаров, гулистонлик Санжар Ҳайдаров, навоийлик Умид Турдиев, қорақалпоғистонлик Арслонбек Кўшқинбоевнинг кўли баланд келди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 24 декабрдаги 295-мх-сонли буйруғи.
2. «Корхоналарнинг молиявий тўлов қобилиятини соғломлаштириш ҳамда тиклашнинг намунавий режасини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 15 декабрдаги 10-сонли қарори.
3. «Иссиқлик электр станцияларида ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш ва қабул қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 25 ноябрдаги 25-сонли буйруғи.

4. «Корхоналарнинг молиявий тўлов қобилиятини соғломлаштириш ҳамда тиклашнинг намунавий режасини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 15 декабрдаги 10-сонли қарори.
5. «Банкрот корхоналарнинг арзонбаҳо, тез ишдан чиқадиган мол-мулкни, хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш бўйича низомага ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 15 декабрдаги 11-сонли қарори.
6. «Тугатиладиган корхона мулки ва

- мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 19 декабрдаги 12-сонли қарори.
7. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 30 декабрдаги 25-сонли қарори.
8. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 30 декабрдаги 25-сонли қарори.
9. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 30 декабрдаги 25-сонли қарори.

(Давоми бор).

РАҚОБАТБАРДОШ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа тармоқлари қатори тиббиёт соҳасига ҳам бозор иқтисодиёти муносабатларининг кириб келиши соғлом рақобат муҳитини юзага келтирмоқда. Давлатга қарашли муассасалар қаторида хусусий шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилётгани бунда муҳим асос бўлаётир.

Хусусан, Бухоро шаҳридаги «Авиценна-универсал шифо» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шифокор Латиф Тоҳиров сая-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур масканда беморларга терапия ва педиатрия йўналишларида тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

мограф диагностика ускунаси олиб ўрнатилди. Бу қулайлик беморлар учун катта англик бўлди, дейиш мумкин. Негаки, илгарилари бундай ташхис учун аҳоли пойтахтга боришга мажбур бўларди. Айни дамда вилоятда стационар шайроитда фаолият кўрсатаётган хусусий шифохоналар сони 32 та бўлиб, 610 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Таъкидлаш жоизки, хусусий тиббиёт корхоналари иш ўринлари яратиш борасида фаоллик кўрсатишмоқда. Биргина 2011 йилда терапия, стоматология, гинекология ва диагностика йўналишларида қирқдан зиёд тиббий хусусий корхоналар ташкил эти-

лиши натижасида 270 та иш ўрни юзага келди. Уз навбатида, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини назорат қилиш бўлими томонидан хусусий тиббий корхоналарда мониторинг ишлари йўлга қўйилган. Шунга қўра, 27 та хусусий тиббий муассасада стерилизация юмушлари шартнома асосида олиб борилаётгани аниқланди. Қон касалликлари олдини олиш мақсадида ушбу муассасаларнинг ўзига автоклав, қуришиш шаффи ва дистилляторлар бўлишига эришилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тадбиркорлик фаолияти билан машғул тиббиёт муассасалари ходимлари учун семинарлар ташкил этилаётди. Эътиборлиси, соҳада рақобатбардош корхоналар барпо қилиш истагидаги тиббиёт ходимлари сони кўпайиб кетди. Бу эса истиқболда тиббий хизмат сифати янада ошади, деганидир.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ОБ-ҲАВО

(12 январь)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	-2 -7 +2 +7
Бухоро ва Навоий вилоятларида	-2 +3 +4 +9
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	-2 +3 +4 +9
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	0 +5 +10 +15
Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	0 +5 +2 +7
Тошкент шаҳрида	+1 +3 +7 +9

«AGRI PARTS OSIYO»

қишлоқ хўжалиги, юк ташиш ва йўл қурилиш техникаси учун эҳтиёт қисмларни, жамланмаларни Ўзбекистон бозорига кўп йиллар давомида етказиб бераётган етакчи компаниялардан ҳисобланади.

Бизнинг маҳсулотимиз фақатгина заводда ишлаб чиқарилганлигига кафолат берамиз ҳамда сифат ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этамиз.

Маҳсулот бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва уларнинг дилерларидан келтирилатганлиги боис нархларимиз бозордагидан анча арзон.

Манзил: Тошкент ш., Бобур к., 6-уй. (Бешёғочдаги собиқ пойабзал фабрикаси ёнида).
Тел./ факс: (8-371) 215-72-77.
Электрон манзилимиз: agriparts@gmail.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

КАФОЛАТ 2 йил

GRUNDFOSNING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-А уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90, (+998 71) 150-32-91, (+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

➤ КАФОЛАТ — 2 йил
➤ СЕРВИС ХИЗМАТИ
➤ МАСЛАХАТЛАР

BE THINK INNOVATE

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 234,0 ▲ +17,7 ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 214,5 ▲ +15,2 АРМАТУРА 3404,6 ▼ -333,8 ШИФЕР (1 лист) 18784 ▲ +1284 АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788
472010678001

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан сақфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ф. Шералиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5